



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 22 июнь, № 122 (5542)

Жума

Амалий саъй-ҳаракатлар самараси



Вилоят саноатидаги ушбу ютукда "Ифтихор кийим саноат" масъулияти чекланган жамиятининг ҳам муносиб улуши бор. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган эркаклар устки кийимлари сифат жиҳатидан хорижликдан

сира қолишмайди. Корхонада олиб борилаётган модернизация тадбирлари бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, дастлаб банкдан олинган 554 минг АҚШ доллари миқдоридagi кредит ҳамда корхонанинг

200 миллион сўмлик сармоеси эвазига замонавий технология сотиб олинди. Хориждан келтирилган мазкур дастгоҳлар либос андазасини олишдан тортиб, дамоллашгача бўлган жараённи тезкор ва пишиқ-пухта ба-

жариши билан алоҳида ажралиб туради. Бу имкониятдан унумли фойдаланган чеварлар ўз моделларини яратиб, маҳсулотларга "IKS" савдо белгисини қўйишди. Эътиборли томони, бунгача фақат костюм-шим

Кейинги йилларда республикамизда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, янги технологияларни жалб этиш орқали маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Табиийки, бундай саъй-ҳаракатлар амалда ўз самарасини бераётти. Хусусан, Наманган вилоятида жорий йилнинг биринчи чорагида 286 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,1 фоиз ўсишга эришилди.

Модернизация

тиқиш билан шуғулланиб келган ишчилар куртка, пальто, яримпальто каби қирқдан зиёд кийим-кечаклар тайёрлашни ўзлаштиришди.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Андижон

Қорасув шаҳридаги марказий шифохона ва унинг бўлимлари ҳуқуқимиз томонидан ажратилган 2 миллиард 252 миллион сўм маблағ ҳисобига тўла таъмирдан чиқарилиб, замонавий кўринишга эга бўлди.

Аҳоли манфаатлари йўлида

Шунингдек, бу ерда лойиҳа қиймати 960 миллион сўмлик даволаш-санитария-эпидемиология маркази ҳам барпо этилди. Айни чоғда 250 қатновга эга поликлиника ва шифохона таркибидagi бир қатор иншоотларда сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Бу ишлар тўла яқунланган, хориждан келтирилган 500 минг АҚШ долларлик тиббий жиҳоз ва ускуналар ҳам ўрнатилади. Айтиш лозимки, вилоят тиббиёт муассасаларида жорий йил охирига қадар 15 миллиард 821 миллион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро

Вилоят марказида "Арк экотекстиль" корхонаси иш бошлади. Бунинг учун икки миллион АҚШ доллари миқдоридagi хориж сармоеси сарфланди.

Буюртмачилар мамнун

95 киши меҳнат қилаётган ушбу корхона айни пайтда йилига 1200 тонна сифатли калава ип тайёрлаш имкониятига эга. Эътиборлиси, маҳсулотнинг 80 фоизи экспортга йўналтирилди. Ўтган қисқа даврда бу ерда тайёрланган маҳсулотнинг 120 минг АҚШ долларлиги хорижлик

буюртмачиларга етказиб берилгани, айниқса, эътирофга молиқдир.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳудудий тасарруфдаги 24 та экспортчи корхона томонидан 2,7 миллион АҚШ долларлик маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинди.

И. ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарё

Сариосиё туманидаги "Жануб қурилиш материаллари" МЧЖ жамоаси қишлоқларда намунавий лойиҳа асосида тураржойлар барпо этаётган корхоналар талаби асосида ишлаб чиқариш ҳажмини оширди.

Ҳажми ошди, сифати яхшиланди

Бунинг учун 100 миллион сўмлик замонавий технологиялар олиб келинди, 10 киши ишга қабул қилинди. Натijaда бу ерда тайёрланаётган қурилиш моллари ҳажми ошиб, сифати янада яхшиланди.

Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хоразм

Хонқадаги ош тузи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Хонқа биллур салд" МЧЖда 22 миллион сўмликдан ортиқ модернизациялаш тадбирлари амалга оширилди.

Маҳсулот тури кўпаяди

Натijaда ишлаб чиқариш қуввати ортиб, ишчилар сони 22 тага етди. Айни пайтда бу ерда ойига 5 турдаги 200 тонна йодланган сифатли ош тузи тайёрланмоқда.

Корхона жамоаси мақорон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш арафасида. Бунинг учун 210 миллион сўмлик маблағ эвазига замонавий технология олиб келинди. Янги линия ишга тушгач, яна 20 та иш ўрни яратилди.

Туманда жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида 2 минг 281 иш ўрни ташкил қилинди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фамхўрлик

Шу йилнинг 31 май куни Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ёшлар учун янги имкониятлар

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларга яна қўшимча имтиёзлар берилди.

Қуролли Кучлар қисмлари ва бўлинмаларида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга республика олий ўқув юрталарига кириш учун тавсияномалар беришда тегишли тартиб ўрнатиш, шунингдек, уларга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи омилларини кучайтиришдек эзгу мақсадларга йўналтирилган мазкур ҳужжат ёшларимизга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Бундай саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, ўсиб келаётган ёш авлод қалбига она-юртга муҳаббат ва садоқат, энг шарофли касб — ҳарбийликка бўлган қизиқиш ҳамда ҳавасни оширишга хизмат қилади.

Эътироф этиш жоизки, истиклол тарихига ёрқин саҳифа бўлиб ёзиладиган улкан марраларимиз қаторида аҳамиятини баҳолаб, улчаб бўлмайдиган буюк бир ютуқимиз бор. Бу замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, муस्ताқил фикрлайдиган, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган соғлом ва баркамол авлоддир. Бугун улар ўзлари учун яратилаётган кенг имкониятларга муносиб жавоб бериб, ҳеч қандам кам эмасликларини дунё узра баралла айтишмоқда, исботлашмоқда. Ўзбекистон деб аталмиш жаннатмонанд юртда туғилиб, камолга етаётганликларидан чекизи фарҳанг туйғуси бунда муҳим ўрин тутаётти... Қарорда Ўзбекистон Республикаси

публикаси Қуролли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаврлар тайёрлашда республиканинг барча олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал балларнинг 27 фоизи миқдоридида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлиши белгиланган. Келинг, шу ўринда ушбу янгиликнинг моҳиятини аниқлаш учун тавсияномани жорий этиш билан боғлиқ жараёнга назар ташлайлик.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибидида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида"ги қарори асосида мuddатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатилаётганда ўғлонларга юксак натижалари учун тавсияномалар бериш бошланган бўлиши билан бир қатар, катта воқеа бўлган. Ушунда ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлганларга тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 20 фоизи миқдоридида қўшимча балл берилиши кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда).

«Буюк Ипак йўлининг бебаҳо жавоҳири»

Яқинда Шанхайда Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон — Буюк Ипак йўлининг бебаҳо жавоҳири" мавзусида суратлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Биз ва жаҳон

Ўзбекистоннинг дипломатия миссияси ва Шанхай халқ ҳуқумати кўмагида Шанхай хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмаси, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий ало-

қалар жамиятлари кенгаши ҳамда "Ўзбекистон — Хитой" дўстлик жамияти томонидан ташкил этилган мазкур тадбирнинг тантанали очилиш маросимида Хитойда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси, ижти-

мой-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар.

Кўргазмада ўзбекистонлик таниқли фоторассомларнинг суратлари, қўли гул ўзбек усталари томонидан яратилган халқ амалий санъати буюмлари намойиш қилинди. Мамлакатимизнинг кўҳна меъморий обидалари ва тарихий шаҳарлари акс этган фотосу-

ратлар билан танишган тадбир меҳмонлари халқимиз маданиятининг бетакоррлиги ва ранг-баранглигини эътироф этдилар.

Суратлар кўргазмаси доирасида Шанхай хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмаси ҳамда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши томонидан

(Давоми 2-бетда).

«Келажак овози — 2012»

Ёшларимиздаги эзгу ташаббус ва ғояларни қўллаб-қувватлаш эртанги ютуқлар гаровидир. Негаки, юртимизда ноёб истеъдод, пухта билим ва юксак салоҳият соҳиблари бўлиб етишиши омурада интилаётган, ўқиб-изланаётган навқирон ўғил-қизлар қўллаб топилди.

Эзгу ташаббуслар, илғор ғоялар

Энг асосийси, бугун уларнинг жаҳон андозаларига мос шарт-шароитларда таълим олиб, келажакда катта муваффақиятларга эришишлари йўлида қўлай имкониятлар яратилмоқда. Бунинг амалий ифодаси сифатида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигидаги "Келажак овози" республика

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРХИ

БАРҚАРОР ФАОЛИЯТНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Мамлакатимизда нуфузли халқаро рейтинг агентлигининг "барқарор" рейтинг баҳосига эга бўлган тижорат банклари сони бугунги кунда

26 тани ташкил қилмоқда.

Республикамиз банклари ўз мажбуриятларини вақтида бажариши, молиявий ресурсларни мустақил бошқариши, барқарорлик ва ликвидликни таъминлаши, активларни зарур даражада диверсификация қилиши, шунингдек, банк операциясининг ажралмас қисми бўлган бошқа йўналишларда салоҳияти юқорилиги туфайли ана шундай юксак эътирофга сазовор бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Қонун лойиҳасида Ҳаво кодексининг айрим моддаларини миллий қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномаларнинг талабларига мувофиқлаштириш, шунингдек, мамлакатимиз ҳаво ҳудудининг тузилмасини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳолда 2008 йил июль ойида ўтказилган аудит натижалари бўйича Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) комиссияси тавсияларини бажариш назарда тутилмоқда. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши кодекснинг амалдаги таҳриридаги эскирган ҳуқуқий нормаларни чиқариб ташлаш, ташувчининг ўз фаолияти хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ўзининг қоидаларини вужудга келтириш ҳуқуқини янада аниқроқ белгилаш имкониятини беради.

Батафсил муҳокамадан сўнг депутатлар ушбу Қонунни ҳам қабул қилдилар, ҳужжат Олий Мажлис Сенатига юборилади.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси фуқаро ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкни муҳофаза этиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, автомобилларда ташиш сифати ва хавфсизлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида йўл ҳаракати хавфсиз-

лигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва принциплари белгиланган, транспорт воситалари, автомобиль йўлларининг техник ҳолати ва жиҳозларига нисбатан қўйилган талаблар аниқлаштирилган.

Қонунчилик палатаси атрофлича муҳокамадан сўнг қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди. Депутатларнинг фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда, ҳужжатни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш масъул кўмитага топширилди.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш пайтида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати, автомобиль йўлларининг техник ҳолати ва жиҳозларига нисбатан қўйилган талаблар аниқлаштирилган. Қонунчилик палатаси атрофлича муҳокамадан сўнг қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди. Депутатларнинг фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда, ҳужжатни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш масъул кўмитага топширилди.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш пайтида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати, автомобиль йўлларининг техник ҳолати ва жиҳозларига нисбатан қўйилган талаблар аниқлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аxbорот хизмати.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Яқин келажақдаги ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Тадбир иштирокчилари мазкур келишув Ўзбекистон — Хитой ўрта-сиддаги кўп қиррали ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга улкан ҳисса қўшишини алоҳида таъкидладилар.

Табриқ сўзи билан чиққан **Шанхай хорижий мамлакатлар билан дўстлик**

янада яқинроқ танишиш имкониятига эга бўлди», деди В. Сяошу.

Шанхай Халқаро тадқиқотлар академиясининг Россия ва Ўрта Осиё маркази директори Ўринбосари Цян Сяоюнь «Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда кун сайин ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Бунинг аққол мисоли сифатида сиёсий ва давлат арбоблари, иқтисодчилар, олимлар ҳамда жамоатчилик вакил-

Шарқ маданияти ва фалсафасининг ривожланишига бебаҳо ҳисса қўшган давлат саналди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Хитой ўртасида маданий алмашинувларни мустақамлаш учун яхши замин яратаетир», деди у.

Шанхайдаги «Катюша» аxbорот-консалтинг компанияси вакили Шень Янь таъкидлаганидек, шанхайликларнинг фотоасарлар кўргазмасига нисбатан бундай юқори қизиқиши

Ижро ва масъулият

Давлатимиз раҳбари шу йил 15 июнь куни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш даражасини янада яхшилашга йўналтирилган бир қатор ҳаётий масалаларга эътибор қаратдилар. Шундан келиб чиқиб, айни пайтда ишимизни ижтимоий-иқтисодий жабҳанинг долзарб масалаларини қамраб оладиган режалар асосида ташкил этишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Маҳаллий Кенгашларда

Айниқса, сайловчиларнинг муаммоларини ижобий ҳал этиш имкониятларини атрофлича таҳлил қилиш ва уни амалга ошириш борасида халқ депутатлари туман Кенгаши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш масалалари ҳам кенг йўлга қўйилган.

Сир эмаски, айни чоғда ҳар бир соҳада юриётган фаолиятимиз замирида мамлакатда демократик ислохотлар тамойилларини чуқурлаштириш, оқил фуқаролик жамиятини қарор топтириш мақсади мўжассам. Шу маънода, комиссиямиз ўз ваколати доирасида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Чунончи, Президентимизнинг 2009 йил 27 январдаги қарори билан тасдиқланган саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш

ни маҳаллийлаштириш дастури ижроси тумандаги «Сурхон комбинати» масъулият чекланган жамиятида қандай бажарилаётгани ўрганилди. Мазкур ҳужжат асосида корхона инвестиция фаолиятини қўллаб-қувватлаш юзасидан Маҳаллийлаштириш дастурига киритилиб, бисил кредити билан таъминланган. Шунга кўра, бу ерда илгор технологиялар ўзлаштирилиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бутун Марказий Осиёда камбە ҳисобланган юқори босимли темир-бетон қувурлари турини кўпайтириш имкониятлари яратилди. Четдан маҳсулотнинг сифатли бўлишини таъминлайдиган резина қолип ва пўлат сим ашёлари харид қилинди. Доимий комиссиямиз эндиликда шу қўлайликлардан унумли фойдаланиш, буюртмачилар билан муносабатларни шакллантириш, қўшимча ишлаб чиқариш қув-

ватларини жонлантириш борасида жамоа билан фикрлашиб иш тутмоқда.

Комиссиямиз аъзолари, шунингдек, Инвестиция дастурининг жойлардаги ижроси бўйича ҳам назорат-таҳлил ишларини олиб бордилар. Ушбу жараёнда мавжуд муаммолар ўз жойида ҳал этилишига эътибор қаратилди. Пиорвардида Богоро маҳалласи ҳудудида янги мактабнинг, Янги шаҳар маҳалласида юкүмли касалликлар шифохонасининг белгиланган муддатларда сифатли қуриб битказилишига эришилди.

Қишлоқ аҳоли қўرғонларини ободонлаштириш режасида кўра, туманимизда 10 та маҳалла ҳудуди Кумкўрғонга йўлдош шаҳарча типига ўтказилган. Бу шаҳарчаларда ички йўллари

созлаш учун қисқа вақт ичида 100 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди, қишлоқ йўллари таъмирланди. Бироқ маҳаллалардаги бозорлар, хизмат кўрсатиш объектларини замон талаблари асосида ободонлаштириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқда иш ўринларини яратиш борасида, очигини айтиш керак, айрим муаммолар мавжуд. Ушбу масалаларни фуқаролар, маҳалла фаоллари билан ҳамжиҳатликда ҳал этиш эса бугунги кунда айни заруратдир. Шу боис комиссиямизда қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоллари, маҳалла фаолларининг ҳисоботларини тинглаш ва шу асосдаги жиддий ҳулосаларни Кенгашининг навбатдаги сессиялари муҳокамасига киритиб боришни режалаштираялғимиз.

Хулоса ўрнида айтганда, айни пайтда комиссиямиз томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, аввало, аҳоли манфаатларини таъминлашга, уларнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Зеро, сайловчиларнинг тақлифларига асосан туман Кенгашига, тегишли ташкилотлар раҳбарларига юборётган сўровларимиз ва шу асосда олиб бораётган назорат тартибидеги юмушларимиз самаралари ижобий бўлмоқда. Транспорт, коммунал хизматлар сифатини, экологик муҳитни яхшилаш, аҳолининг яқка тартибда уй-жой қуришини мувофиқлаштириб бориш, уларни қўллаб-қувватлаш соҳаларига эътибор қаратиш масалалари ҳам, шубҳасиз, галдаги вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

И. РЎЗМАНОВ,
халқ депутатлари Кумкўрғон тумани Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, коммунал хўжалик, аҳолига хизмат кўрсатиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссия раиси.

«Буюк Ипак йўлининг бебаҳо жавоҳири»

юшмаси ижрочи директор Ван Сяошу анжуман ўзбек халқининг бой маданий ва маънавий меросига, шунингдек, Буюк Ипак йўли туфайли турли-туман халқлар маданиятлари ҳамда анъаналарининг ўзаро уйғунлашиб кетишига эътибор берди.

«Дарҳақиқат, Ўзбекистон Буюк Ипак йўлининг жавоҳири ҳисобланади. Хозирги вақтда бу йўлнинг қайта тикланишидан кўплай мамлакатлар манфаатдордир. Кўргазмада тақдим қилинган ранг-баранг ва сермазун фотосуратлар туфайли шанхайликлар, қўшни минтақалар вакиллари ҳамда қўшма ҳарбий муҳимлар Буюк Ипак йўлининг Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент сингари қадимий шаҳарлари билан

лари ташрифларининг мунтазам алмашинувини кўрсатиш мумкин», дея алоҳида таъкидлади.

Шу билан бирга, у мамлакатимизнинг кулай жўроғий жойлашуви, бой ресурсларга эгалиги ва барқарор иқтисодий тараққиётни Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигининг тобора кенгайиб боришига хизмат қилаётганини ҳам қайд этиб ўтди.

Цян Сяоюн, шунингдек, маданий-гуманитар ҳамкорлигининг истиқболларини юқори баҳолади. «Хитой беш минг йиллик тарих ва бой маданиятга эга. Ўз навбатида, замонавий Ўзбекистон ҳудуди турли-туман тамаддунолар ва маданиятларнинг муҳим чорраҳаси сифатида маълум машҳурдир. Асрлардан буён турли миллат ва диний этниктоқлар вакиллари тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшаб келаётган Ўзбекистон Ислам дини,

сайёҳлар учун Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларига истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

«Қолаверса, ажиб ва гўзал табиат манзаралари, очикўнгилик ўзбекистонликларнинг чехрасида муҳрланган шодлик Ўзбекистонда ҳукм сураётган фаровонлик, тинчлик ва барқарорликдан долалатдир. Бундай омиллар саёҳатга чиқишдан олдин, энг аввало, бораётган жойининг хавфсизлиги ҳақида қайғурадиган хитойликларни ўзига жалб қилаётир», деди у.

— Шаҳарларнинг гўзаллиги, бетакрор меъморий мажмуаларнинг яхши сақланиб қолганини туфайли Ўзбекистон қадимий ва замонавий Буюк Ипак йўлининг бебаҳо жавоҳири бўлиб қолмоқда, — дея ўз фикрини яқунлади Шень Янь.

«Жаҳон» АА.
Шанхай

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Мамлакат иқтисодий салоҳиятига муносиб ҳисса қўшаётган ишлаб чиқариш субъектларининг кўпайётгани, аввало, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига кенг йўл очилгани туфайлидир, — дейди жамият ижрочи директорлари Анна Добрих. — Бугунги муваффақиятларимизда бу бош омил бўлди, десам янглишмайман. Корхонамиз цехларида юқори унумли тикув дастохларини моҳирлик билан бошқараётган ёшларга қараб ҳавасинг келади. Ускуналарнинг аксарияти компьютерлаштирилган, ишчилар билими, укув ва ғайрати ҳам шунга яраша. Улар қўлидан чиққан маҳсулотга қараб кўзинг қувнайди. Зеро, маҳсулот сифати корхонанинг юзи, деб бежиз айтишмаган.

Эндиликда нафақат вилоятда, балки мамлакатимизда ҳам етарлича ном қозongan «Ифтихор кийим саноат»да ишлаб ёшлар учун ифтихорга айланган. Эътиборлиси, касб-ҳунар коллежларини битирувчилари ўқув амалиётини шу ерда ўтаб, корхона меҳнат жамоаси сафига қўшилипти. На-

Амалий саъй-ҳаракатлар самараси

манган энгил саноат коллежини тамомлаган Обидхон Калонхўжаев ана шундай ёшлардан бири. У мураккаб дастохда ишлашни тез ўзлаштириб олди. Замонавий ўқув юртида олган билим ва кўникмасини амалда муваффақиятли

ҳажми шунга мос равишда уч баравар кўпайди. Хозирги пайтда йилга 200 минг донадан кўпроқ ёки 750 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда. Жорий йил биринчи чораги якуни бўйича эса миқдорларга 161 миллион сўмлик

Мухтасар айтганда, вилоятда жорий йил бошидан буён 5 та корхона модернизация қилинди. Йил охирига қадар ушбу йўналишда яна 36 та лойиҳа ниҳоясига етказилиб, 1406 та иш ўрни очирилиши мўлжалланаётгани



қўллаётган ёшлар меҳнатидан жамоадорлари мамнун. Айтиш кераки, корхонада амалга оширилган янгиликлардан сўнг бу ерда меҳнат қилаётганлар сони тўрт баравар ортиб, 58 кишига етди. Ишлаб чиқариш

маҳсулотлар етказиб берилди.

Яна бир гап. Ички бозор синовидан муваффақиятли ўтган корхона жамоаси энди экспорт амалиётларини бошлашни ҳам мўлжаллаб турибди.

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ,
Шоумрот **ШАРАПОВ** (суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Орадан икки йилдан зиёдроқ вақт ўтиб, аниқроғи, Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ҳарбий қисм кўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган йигитларга республика олий ўқув юртига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллининг 25 фоизи миқдоридеда қўшимча балл бериладиган бўлди. Жорий йил 31 майдаги қарор эса бу борадаги имтиёзн янада такомиллаштирди. Бу давлатимиз раҳбарининг ёшларимизга юксак эътиборининг ёрқин намунасидир.

Қарордаги яна бир муҳим янгилик Қуролли Кучлар сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, имтиёزلар бўйича белги-ланган қўшимча балларни ҳисобга олган ҳолда ҳам танловдан ўта олмаган абитуриентларнинг республикадаги бошқа олий ўқув юртига қабул қилиш тўғрисидаги аризалари, тест синовлари тугангандан кейин 10 кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилишининг белгиланганидир. Бунда абитуриент танланган бошқа олий ўқув юртига қабул қилиш тасдиқ-

ланган умумий қабул квотаси доирасида, имтиёزلар бўйича белги-ланган қўшимча баллини ҳисобга олган ҳолда, фанлар бўйича топширилган тест синовлари фанлар тўғрисида ва абитуриент томонидан тўплаган балларга мувофиқ, таълим йўналишлари бўйича Давлат комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади.

Ёшлар учун янги имкониятлар

Мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларга яна қўшимча имтиёزلар берилди.

— Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёزلар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини ўқиб, жудаюм қувондик, — дейди Навоий вилоятидан мuddатли ҳарбий хизматга қақирилган оддий аскар Одилбек Гаффаров. — Мазкур қарор орқали имтиёزلар тизими янада такомиллашгани биз, Ўзбекистон фарздандарини юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларга бор кучимиз, билим ва салоҳиятимиз билан ҳисса қўшишга руҳлантиради. Ирода-мизни тоблайдиган, садоқат, матонат, жасоратдан сабоқ берадиган ҳаёт мактаби — армияда шарафли бурчини юксак даражада адо этишга, Ватан ҳимоячиси,

деган номга муносиб бўлишга ундайди.

Шараф ва ифтихор

Бугуннинг аскарига ҳавас билан қарайдиганлар кўп. Йиғин пунктида ўғлини мuddатли ҳарбий хизматга кузатаётган ота-ларнинг беихтиёр «Қани энди ёшариб қол-

Ватан ана шундай марду майдонларга суянади. Бундайин оташқалбларимиз гулларга бурканган бепеён замин, кир-адирлар, мусадфо осмон, гўзал ва фаровон ҳаёт учун масъул эканини теран англашади. Негаки, миллий армиямиз барпо этилган кундан буён шу муқаддас заминда туғилган, шу Ватан сувини ичиб, тузи-

мовдир. У давлатимиз томонидан яратиб берилган имтиёз ёрдамида Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кирди. Билим юртини имтиёзли диплом билан тугалади. Икки офицер аксининг йўлини давом эттириб, бугун шарафли касб эгаси бўлиб хизмат қилмоқда.

ри газеталар тайёрлашда ёрдам берган. Одийроқ қилиб айтганда, қисмининг жамоатчи рассом бўлган. Фаол ҳаётий позицияси, демакки, юксак ва тантанаварлик туйғуларига эга ўғлон, ўз навбатида, тавсиянома лойиҳ, деб топилган. Иқтисодчи дизайнер соҳасини танлаган Нодиржон бугун ҳаётдан ўз ўрнини топанг керакли мутахассисдир.

Қибрайлик Азамат Содиқов жорий йилда қисм кўмондонлиги тавсияномаси билан резервга бўшатилди. Нияти, офицер бўлиш. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёزلар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини қатта ҳаяжон билан ўқиб чиққанини, севинганини сўзлаб берди. Албатта, бундай ўзгаришлар, янгиликлардан қувонмай бўлмайди.

ни тотган, жаннатмонанд юртимизда вояга етган ўғлонларимизга суяниб келялғимиз. Зотан, ҳамма гап аслида инсон омилида. Юртимизда, хусусан, Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган улкан ислохотлар, эришилаётган ютуқлар негизига боқсангиз, аввало, бу ишлар замирида инсон омилли муқассамлигини ҳис қиласиз. Шу сабабли ҳам Ватан ҳимоячиси деган тушунча жамиятда юксак бир мақомга эга бўлди. Қарорини ўқиб туриб, кўнгилдан ана шундай илиқ туйғулар кечади, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланади.

Ушалаётган орзулар

Қисм кўмондонлиги тавсияномаси ёрдамида ҳаётда ўз ўрнини топанг, орзу-мақсадлари сари дадил интилаётган ёшлардан бири Жўрабек Қоси-

...Тинчлик — энг улуг неъмат. Юртимизда ҳукм сураётган осойишталик туфайли ҳам Ўзбекистонимиз тобора чирой очиб бормоқда, турмушимиз яхшиланиб, хонадонларимизга барака кирмоқда. Маҳалла-қўй, қишлоғу шаҳарларимиз обод бўлиб бормоқда. Ватанпарварлик туйғуси қалбидан чуқур жой эгаллаган, ҳар қандай хавфу хатарга қарши тура оладиган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ўғлонларимиз туфайли осмонимиз мусаффолиги бардавом бўлиши шубҳасиздир.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

қўрик-танловини мисол келтиришимиз мумкин. Мазкур нуфузли беллашув бу йил саккизинчи бор ўтказилмоқда. Унда юрт ишончига муносиб бўлиш умидидега 80 минг нафарга яқин иқтидорли ёшлар иштирок этиб, билим ҳамда салоҳиятларини намоян этишди. Иккинчи босқичи голиби, деб эълон қилинган 600 нафардан зиёд ўғил-қизлар эса жорий йилнинг декабрь ойида пойтахтимизда ўтказиладиган яқуний беллашувга йўланма олдилар.

Эзгу ташаббуслар, илғор ғоялар

Танловнинг саралаш босқичлари ниҳоясига етганлиги муносабати билан ташкил этилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, ёшларимиз орасида истеъдодлилар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Айни пайтда архитектура ва дизайн, аxbорот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика каби йўналишларда янги ҳақда лойиҳаларини тақдим этиб, голиб бўлган йигит-қизлар танлов доирасидаги тренингларга жалб этилмоқда.

— Бу йил беллашувнинг миллий ва амалий санъат, шунингдек, рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар йўналишларига қизиқувчилар кўпчилигини ташкил этди, — дейди Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А. Нуриддинов. — Масалан, фарғоналик ёшлар ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, нақшшлик сингари миллий хунар турлари бўйича, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва Наманган вилояти вакиллари эса архитектура ва қурилиш, либос дизайни соҳаларида кўплай ўзига ҳос лойиҳаларни тақдим этишди. Бундан ташқари, академик лицей, касб-ҳунар коллежи ва олий ўқув юртида таълим олаётган ишланувчан йигит-қизларнинг экология, энергетика, ишлаб чиқариш саноатига оид эътиборга молик қатор инновацион ишланмалари ҳам борки, улар илм-фаннинг нури истиқболдан дарақдир.

Эътиборлиси, танлов голибларига келгусида «Фонд форуми», «Келажақ овози» ЕТМ ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан амалий кўмак берилади. Жумладан, уларнинг энг қизиқарли лойиҳаларини амалиётга таъбиқ этиш учун махсус грантлар ажратилиб, халқаро танлов ва фестивалларда иштирок этишларида шарт-шароит яратилади.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Алжон САФАРОВ,
подполковник.

Молия муассасаларида



Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, банк-молия тизимини такомиллаштиришга қаратилган сый-ҳаракатлар натижасида молия муассасалари ва мижозлар ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётир. Бунга "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банкининг Жиззах вилояти филиали фаолияти яққол мисол бўла олади.

Тезкор хизмат, ўзаро ишонч

Филиалнинг 5 та бўлим ва 13 та минибанки томонидан вилоят аҳолисига қўрсатилаётган қулай ва имтиёзли хизматлар натижасида мижозлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1632 тага кўпайиб, 14 765 тага етди. Бошқача айтганда, филиал жамоаси айни пайтда 4690 та фермер ва деҳқон ҳўжалиги, 2720 та хусусий корхона, 4409 нафар якка тартибдаги тadbиркор ҳамда 2589 нафар омонатчи билан самарали ҳамкорлик ўрнатган.

ришига хизмат қилаяпти. Бундан ташқари, филиал томонидан вилоят иқтисодиёти тармоқларида 138 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг июнь ойига қадар 58 та лойиҳа бўйича 1 миллиард 186 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Хусусан, Жиззах шаҳридаги "Vir Lux Invest" масъулияти чекланган жамиятига 82 миллион сўмлик замонавий тўқув дастгоҳи олиб берилиши натижасида 12 та иш ўрни яратилган бўлса, "Нарусмед" масъулияти чекланган жамиятига 80 миллион сўм миқдорда кредит берилиши бу ерда қайта ишланган жўни экспорт қилиш имкониятини тўғдириди.

риш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-таdbирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ молиялаштирилди. Умуман олганда, филиал томонидан ушбу қарор бўйича мижозларга жорий йилнинг беш ойи давомида режадаги бир миллиард 406,3 миллион сўм ўрнига бир миллиард 611,2 миллион сўмлик кредитлар берилди.

Яна бир муҳим ҳужжат — Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-таdbирлар тўғрисида"ги қарори талаблари ҳам филиал жамоасининг доимий диққат-эътиборида. Ўтган беш ой ичида фақат ушбу йўналишга 866,1 миллион сўм миқдорда сармоа ажратилгани бунинг исботидир.

Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, жами кредит қўйилиши қолдиги 37 миллиард 483 миллион сўмни ташкил қилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4 миллиард

79 та касб-хунар коллежининг барчасида тadbиркорлик борасида семинарлар ташкил қилиш тажрибаси мижозларни ёшлар ҳисобига кўпайтиришда қўл келмоқда.

Мухтасар айтганда, "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банкининг Жиззах вилояти филиали жамоаси томонидан айни чоғда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Худудда филиал маблағларидан фойдаланиб, ўз оиласи ва маҳалласига, қолаверса, мамлакатимиз раvнақига муносиб ҳисса қўшаётган тadbиркорлар фаолияти бунинг ёрқин далилидир.

Банк матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚўМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РўЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ Тўғрисида 2012 йил 2 июндан 15 июнгача бўлган маълумотни маълум қилади.

- 1. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. «Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиси тўғрисидаги низомига ўзгариш ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 5 майдаги 01-02/20-7-сонли қарори. 2012 йил 6 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1272-5 (2012 йил 16 июндан кучга киради). 2. «Ақтуар хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 11 майдаги 42-сонли буйруғи. 2012 йил 8 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1975-1 (2012 йил 18 июндан кучга киради).

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда: 1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор тумани судининг 2011 йил 10 августдаги 1-1496/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 2-уйда жойлашган, 3 та блокдан 2052 кв.м.дан иборат А-блоки, 291 кв.м.дан иборат Б-блоки, 100 кв.м.дан иборат В-блоки) иборат бизнес маркази. Бошланғич баҳоси — 1 426 684 533 сўм. 2. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2010 йил 24 майдаги 1-1742/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 26-даҳа, Лутфий кўчаси, 6-уйдаги умумий фойдаланиш майдони 1156 кв.м. бўлган 2 қаватли бинонинг 2-қавати. Бошланғич баҳоси — 377 995 310 сўм. 3. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2010 йил 4 мартдаги 2-036/10 ва 2-037/10-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себор даҳаси, 59-уй, 16-хонадонда жойлашган, умумий майдони 57,55 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич баҳоси — 47 656 645 сўм.

«КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС MULK SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан, 2012 йил 21 майдаги 17285/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич нархи 259 463 368,45 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлиқ мавзеси, 1-даҳа, 16-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 193,0 кв.м. (блок-А — 142 кв.м., блок-Б — 51 кв.м.) бўлган дўкон биноси қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 27 июль кuni соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2012 йил 27 июль кuni сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 10 август кuni бўлиб ўтади. Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! 1. Аукцион савдосига Боевут тумани СИБ томонидан, Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14573 (27.1), 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14579 (27.1), 2012 йил 13 апрелдаги 12-1201/5831 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Боевутдавсувмахсуслудрат» давлат унитар корхонасига тегишли, Учтургон маҳалласи, Усмон Носир бўлими худудида жойлашган, умумий ер майдони 35527,0 кв.м., умумий қурилиш майдони 3535,61 кв.м., умумий фойдали майдони 3481,29 кв.м. бўлган, 0022-литердан иборат фойдаланишга яроқли идора ва ёрдамчи бинолар тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 074 494 592 сўм. 2. Аукцион савдосига Мирзаобод тумани СИБ томонидан, Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2008 йил 7 июлдаги 12-0809/7772 (27.1)-сонли, 2008 йил 18 июлдаги 12-0809/8191 (27.1)-сонли, 2008 йил 24 декабрдаги 12-0806/18090 (27.1)-сонли, 2009 йил 21 майдаги 12-0912/4690 (27.1)-сонли, 2009 йил 22 июлдаги 12-0912/6947 (27.1)-сонли, 2009 йил 23 октябрдаги 12-0912/14046 (27.1)-сонли, 2009 йил 21 декабрдаги 12-0912/15354 (27.1)-сонли ва 2009 йил 21 декабрдаги 12-0912/15332 (27.1)-сонли суд буйруқларига асосан, Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, Наврўз кўрғони худудида жойлашган, Мирзаобод тумани «МТП» АЖга тегишли, умумий қурилиш майдони 648,12 кв.м. бўлган пойдевори бетон, девори пишган гишт, томи шифер, 2 қаватли таъмирталаб ҳолдаги идора биноси тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 229 284 183 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 10 июль кuni соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати — 2012 йил 6 июль кuni соат 18.00. 3. Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан, Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 7 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, Мирзаобод тумани, «Меҳнатобод» ҚФЙ, Т. Аҳмедов СИУ худудида жойлашган «Mirzachol Donald Duck» МЧЖга тегишли, қурилиш майдони 914,76 кв.м., фойдали майдони 864,0 кв.м.дан иборат 0001-литердаги қурилиши тугалланмаган бетон сарой биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 413 311 755 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 24 июль кuni соат 11.00 да Гулистон шаҳри «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати — 2012 йил 20 июль кuni соат 18.00. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519. Манзил: Гулистон шаҳри «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. Расмий сайт: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ТАКЛИФ «УГКМ ДИРЕКЦИЯСИ» УК, «УСТЮРТГАЗ» УШК, «ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АК, «ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МХК

«Сурғил ГКК вахта ишчилари посёлкаси қурилиши» объекти бўйича қурилиш ишларини амалга ошириш учун тақдоран танлов савдоларида иштирок этишга таклиф этади. Молиялаштириш — «Ўзбекнефтьгаз» МХК маблағлари ҳисобидан. Буортмачи — «Устюрт ГКМ инфратузилмаси» объекти қурилиш ва Сурғил ГККни ўзлаштириш дирекцияси» УК. Объект жойлашган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Мўйноқ тумани. Танлов савдоларининг ташкилотчиси — «УГКМ дирекцияси» УК. Буортмачининг бошланғич нархи: миллий валюта — сўмда, танлов ҳужжатларида кўрсатилган. Молиялаштириш шартлари: 30% — бўнак, жорий молиялаштириш ҳадвали ва иш юритиш ҳадвалига мувофиқ — 95%, қурилиш ишлари тугаши билан молиялаштириш эксплуатация қилишининг кафолат мuddати тугангандан кейин, бироқ молия йили тугамасдан олдин 5%. Буортмачи томонидан ўрнатилган ишни якунлаш мuddати — 200 кун (қурилиш ишлари блок-модуль шаклида амалга оширилади). Танлов ҳужжатларининг рус тилидаги тўлиқ тўпламини талабгорнинг ваколатли вакили қуйида кўрсатилган манзилдаги офисда ишончномани кўрсатган ҳолда олиши мумкин: «Устюрт ГКМ объекти инфратузилмасини қуриш ва Сурғил ГККни ўзлаштириш дирекцияси» УК, манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Кўнғирот шаҳри, С. Ермагамбетов кўчаси (748-КТС ММКнинг олдинги биноси), 2012 йил 13 июль соат 8.00 дан 17.00 гача. Телефонлар: (+99861) 312-27-12, (+99897) 478-55-56. E-mail: toliktx@mail.ru. Алоқа қилувчи шахс — Турдимуратов Толибай. Танлов ҳужжатлари тегишли равишда ариза берилган ва тўлов амалга оширилган санадан бошлаб беш кундан кечиктирилмай берилади. Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи: Ўзбекистон Республикаси норезидентлари учун — 2 000 АҚШ доллари ёки Ўзбекистон Республикаси норезидентлари учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тўлов пайтидаги курси бўйича миллий валюта (сўм)да. Танлов ҳужжатлари тўплами учун учинчи шахслар томонидан тўловни амалга ошириш тақияланади. Танлов ҳужжатларини олиш учун аризалар юқорида кўрсатилган манзилга жўнатилади. Савдо ташкилотчисига оферта беришининг охири мuddати — 2012 йил 15 июль кuni соат 17.00 гача. Оферталарни очиш 2012 йил 19 июль кuni соат 12.00 да қуйидаги манзилда амалга оширилади: Қорақалпоғистон Республикаси, Кўнғирот шаҳри, С. Ермагамбетов кўчаси (748-КТС ММКнинг олдинги биноси). «УГКМ дирекцияси» УК.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади. (ҚҚС билан) «Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чоки кувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Кувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади. Кувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган. Баҳоси — 1 тонна учун 8 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан. 2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз. Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

Сара уруғ — юқори ҳосил гарови Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг Ўзбекистондаги вакили ўз омборидан такрорий экин учун маккажўхори ва чим уруғларини таклиф қилади. Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган. Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99897) 728-57-80. Факс: (+99871) 257-58-61.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади! Тошкент шаҳар, Учтепа тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб, «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 24 майдаги 101 (5521)-сониде ва «Тошкент оқшоми» газетасининг 2012 йил 24 майдаги 102 (12163)-сониде чоп этилган хабарномалар билан «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, Ҳамза тумани, Зарафшон тор кўчаси, 6-уйда жойлашган, умумий майдони 1017 кв.м. бўлган уй аукцион савдосидан олинганлигини маълум қиламиз. Савдодан олишга асос: Учтепа тумани СИБнинг 2012 йил 14 июндаги 778-80/15-сонли хати. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. Лицензия: RR-0001. Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Фалсафа ва маънавият асослари кафедраси катта ўқитувчиси Рўзигул Умаровага волидаи муҳтарамаси ОЛТИН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.



Кўнгил хиёбони



Хар бир инсон ўзига мақбул нарсани танлаш ҳуқуқига эга. Аммо ҳеч ким тугилишдан олдин ота-онани танлай олмаганидек, Ватанни ҳам танлай олмайди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам бу туйунчалар барчамиз учун азиз ва муқаддасдир.

Она замин қадри

“Хорижда беш йил ишлаб келдим. Бир азобда пул топдим. Тўғри, машина олдим, нолисам ношўқрлик бўлади. Лекин соғлигимни йўқотдим. Куёш тафтида ўсганлигим боис, совуқ иқлим табиатимга ёқмади. Хорижда беш ўртоқ бир жойда ишлардик. Гўёки ҳамма нарса бордай... Аммо меҳр-оқибатни кам кўрдик. Энг ёмони, она-Ватанимиз ҳавоси, ота-онамизнинг дусоли, фарзандларимиз дийдорига соғинчидан эзилди кетгандик. Ростки, ўзаро келишиб уйдагиларга қамроқ телефон орқали боғланишга ҳаракат қилардик. Аммо ҳар қанча иш билан ўзимизни чалғитишга уринсак-да, барибир соғинч тинчлик бермасди. Дўстларимдан яшириб уйга кўнгирок қилайдиган бўлдим. Бир кун қизиқ бўлди. Уйдагилардан хабар олиш учун овқат тайёрлаш баҳона энди ошхонага ўтаётган

эдим, Санжар исмли дўстимизнинг телефонда гаплашаётганини эшитиб қолдим. У гапираяпти-ю, вазида қандайдир мунг бор. Бир гапирди, бир хўрсинади. Мени кўриб, худди айб иш қилгандек нигоҳини ерга қадади. Кейин маълум бўлдики, бошқа шерикларимиз ҳам яширинча ҳар кунни уйига кўнгирок қилишар экан... Шу воқеа сабаб бўлиб, ҳамма ишни йиғиштириб, уйимизга жўнадик. Етиб келганимизда тонг отаётган эди. Юрагимиз тўлқинланиб, қишлоғимизга кириверишдаги дўнгликка чиқиб олиб, қўлларимизни кериб тўйиб-тўйиб нафас олдик, беихтиёр тиз чўкиб, ерни ўлдик. Нега? Очиги, уйлаб уйимга етолмайман, менимча, шу менга ноаён, ҳароратли туйғу Ватан соғинчи бўлса керак... Ҳозир қишлоқда эски ишим — дуррад-горликни давом эттирялман. Буюртма кўп, қишлоқдошларим-

га нафим тегаётганидан хурсандман. Энг асосийси, яқинларимни энидаман. Хорижда ишлаб, англадимки, юртимиздек юрт Ер юзида йўқ экан”.

Бу ҳикояни Рустам Шамшиев деган йигит сўзлаб берганди. У

Туйғу

мамлакатимизнинг чекка қишлоқларидан бирида яшайди. Дуррад-горлиги билан донг қозонган йигитнинг қўли гул, дили покиза. Гап шундаки, оддий қишлоқ фарзандининг бу хатти-ҳаракатлари замирида Ватанга бўлган муҳаббат мужассам. Шунинг учун ҳам, у ёт элларда сарсон саргардонликда пул топиб яшайдиган кўра, қишлоқдошларига нафи тегишини афзал билди ва ёнидагиларга ҳам буни уқтирди...

Жалол Нарзиев — кардиолог. Бу унинг дипломдаги маълумоти. Аслида эса у бошқа хаста-

ликлар бўйича ҳам зўр мутахассис. Жалол ака тақдир тақозоси билан хорижда ўқиб, ўша ерда узоқ йиллар ишлади. Уша кезлари у қишлоққа йилда бир марта келарди. Чунки у бир ойлик таътилни донги кетган санаторийларда эмас, қишлоғида ўтказишни яхши кўрарди. Аммо қишлоқда дам олиб бўларканми, ҳар кунни ўнлаб беморлар унинг олдида илтимос билан келишарди. Шифокор эса бундан асло ранжиган, аксинча, ўз қишлоқдошларининг дардига даво бўлаёт-

Бу фикрларда она-Ватанга бўлган чексиз муҳаббат зоҳир. Чунки Ватан битта ва ягонадир. Унинг эса ўз фарзандларидан умиди катта. Бинобарин, биз ўзимизнинг Саодат асримизнинг бошида турибмиз. Бутун дунё эса биздан инсоний мўъжизалар — саховат, яхшилик, етуклик, бунёдкорлик ва ижод тантаналарини кутмоқда. Бундай буюк ишлар, аёнки, Ватан билан бирга, у билан ҳамнафас, ҳамдардликда, ҳамқадамликда яратилади.

М. ЖОНИХОНОВ.

Саратоннинг иссиғи жизиллайди. Тол тағидаги кучук ичини уриб нафас олди. Унга сўналар бири қўйиб, бири ёпишди. Охири чидолмади, шингиллаб, бошини силкиди. Оёғи билан тумшугини, чаккасини қашлади. Шунда оёғи ерга талтап этиб тегди. Дарахнинг соясидаги супада мудраб ётган Маматқулбой секин кўзини очди, ҳеч ким кўринмади, биригина кучук гингилди. Унинг овози тинмади, охири эринибгина турди-да, итни ипдан бўшатиб юборди. Арқондан бўшалиб ҳам нари кетмади, бошини сарак-сарак қилиб, сува пойига ётиб олди. Маматқулбой яна чўзилди.

Болалик соғинчи

Хаёл ўтмай қоронғи томан хотини чиқиб келди, бўсагада ўтириб, қўлидаги бир энлик газета билан шамол елди. Ҳаво дим, юраги сикилиб кетди. Тура солиб, бир челақ сувни ҳовли айлантириб сеппи. Шунда ҳаво сал салқин торти, шамол айлангандай бўлди. Атрофга сувга чанқоқ ерининг бўйи шундай аниқиди, Маматқулбой ўрнидан қандай туриб кетганини билмай қолди.

дамда юраги тўлиқиб, ўзини бир бошқача сездди. Кетмон кўтарган одамлар: “Хорманг, Маматқулбой, кирмонга барака”, деб товуш берди. У бошини иргати, жилмайди ва “умрингизга барака”, деб қўйди. Шу кўйи ярим тунгача беда ўрди. Осмонда тўлин ой сугдай ёғду сочди. Маматқулбойнинг эса гайрати ошди. Қадамни кенг ташлаб, кўлини йириб-йириб

Ватан меҳри

Ўтириб, дўпписини кийди, сўнг тупроқ хидидан тўйиб-тўйиб нафас олди. Кумри чеча анчадан бери эрини қистовга олади. Шаҳардаги ёлғиз ўғли бу ёққа кўчиб келингизлар, ҳамма шароит бор, деб қўймаётганини айтади. Сўнг “Биз ҳам одамга ўхшаб яшайлик”, деб хархаша қилади. Маматқулбой унамайди, қишлоғидан кетгиси келмайди. Хотинига эса гап уқтиролмади. У шуни ўйлаб, кўнгли сал хира бўлди. Супадан кўзга кўнглини ювди ва чалгини кўтариб, далага чиқиб кетди.

чалғи солди ва беихтиёр ўйга толди: “Мана хузур-ҳаловат, мана бахт! Бундай тафт, бундай меҳру муҳаббат ҳеч жойда йўқ”, дея икром бўлди у. Бир маҳал бедапов ора-лаб биров келаверибди. Маматқулбой сездди, бу — аёли. Овқат олиб келаяпти. “Гайрат қилинг”, деди у паст овозда. Тўраси эшитмади, терга пишиб ишлайди. “Егулик опкелувдим”, боз айтди чеча ва дастурхон тузай бошлади.

Беданинг гуллаганига анча бўлди. Усиб кетганидан буралиб, йиқилиб қолган. Маматқулбой ҳафсала билан чалғи солди. Йўнғичқа тартиб билан ўрилди ва унинг маст қилувчи хиди олис-олисларга таралди. У бир майдон ўрди. Қўлини белига тираб, бинафша тусда товланаётган бедаповга боқди. Мисоли денгиз. Қалдирғочлар унинг устидан чарх уриб учди, қанотлари билан оқиб, қизғиш гулларини сийпаб ўтди. Беданалар у ёқдан-бу ёққа сакради, кетма-кет сайради. Ҳавода қотиб қолган муллатўрғай чулдиради, сўнг ўқдай учиб пастга энди. Бу манзара тонгдан шомгача, йўқ, жуда кўп йиллардан бери давом этади.

Болаликнинг илк хотиралари билан чоғишиб кетган бу манзаралар. Шунинг учун бўлса керак, Маматқулбой болалигини эслади, унинг сирли оламига саёҳат қилди. У хотираларига сингиб кетди. Пойидаги она заминни кучгиси, боши устидаги мусаффо осмонга учгиси келиб кетди. Айни



— Ўртамизда қолсин-а, дугонажон...

Лутфий

Сенсан севарим...

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма, Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.
Хижрон кечаси чархи фалакка етар, эй моҳ, Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.
Ҳаққоки, қилич келса бошимга, эшикингиндн Йўқтур гузарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.
Усрук кўзинг ашқолина ҳар гаҳ назар этсам, Қолмас хабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.
Яъқуб бикин кўп йиғидин қолмади сенсиз Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.
Ой юзунга кўз солгани ўзга киши бирла Йўқтур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.
Ишқ ўтида Лутфий юзи олтуни ёшурди, Эй сиймбарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Эзгуликнинг умри

Кўнгил инсоннинг ўзлиги, ботиний олами. Бобур ҳазратлари ибораси билан айтганда, кўнгилдан “ўзга маҳрами асрор” йўқ. Киши суюнганида ҳам, куянганида ҳам ўз кўнглига суянади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазалларидан бири бевосита кўнглига мурожаатдан бошланади:

Ким кўрибдур, эй кўнгли, аҳли жаҳондин яхшилиг...

Кисмати, бошидан кечирган айрилиғу соғинчларини лирик қаҳрамон кўнгил ёриб айтган экан, олам аҳлидан яхшилик умид қилмаган маъқул, дея нолийди, замонга қўл силкиса, айбга буюрмаганлигини ўтилади. Сабаби давру даврондан, ишонганларим

Талқин

кўрган яхшилигини эслаб юради. Зеро, табиатан инсон ботини тоза. Ҳазалда лирик қаҳрамон, моҳитан, Бобурнинг юракдан чиқариб айтган икромистифори эзгу: қўлдан келгунча элулусга, барча-барчага яхшилик қил, чунки шу инсоний фазилат орқали фалондан эзгу ишлар қолди, дея эсланасан, боқийлик бахтига мушарраф бўласан!

Улуғ бобокалонларимиз қолдирган бой мерос, улар амалга оширган хайрли ишлар халқимиз томонидан мўлҳом қадрланиб келинаётир. Улар эзгуликнинг, яхшиликнинг тимсолидир. Демак, қилинган ҳар қандай яхшилик исзис кетмайди. Зеро, эзгуликнинг умри боқийдир.

Отабек ИСМОИЛОВ, Ҳоразм Маъмур академияси катта илмий ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



Бир жуфт қалдирғоч

Кушлар болаларига дам-бадам озиқ ташиди. Ариқ ёқасига қўниб, зилол сувдан сипқарди, томоғидаги обихаётни зудлик билан жигаргўшаларига элтди. Полапонлар гапхўр ота-онасидан доим миннатдор, уларнинг шарпасини сезган заҳоти оғзини чўчайтириб чўзди ва қанотларини силқиб, қувонч билан қарши олди. Оила, фарзанд қалдир-

ғоч учун ҳам муқаддас, улар бир дам бўлсин, буни унутмади. Шу боис мўдом инига, миттижонларига меҳр-муҳаббатини изҳор қилишга шошиди. Бир жуфт қалдирғоч Қизилсув дарёси бўйлаб учди. Кўёшининг олтин зарлари сувда ақсалангани каби кушларнинг қалам қошдек қанотларида-да жило берди. Улар ажиб

нурларга махлиё бўлиб, қанот қоқди, тез-тез оппоқ тўшини сокин дарёга тийгаб олди. Муздек сув кўкрак патини чилтдек ювди, текис таради ва сал юксалгач, бағри ло жуварддек товланди. Улар янада кукка, кўёш узра парвоз қилди, гўёки қўл ушлашиб рақс тушди, бу ажойиб ўйинлари билан бири-бирини баён қилди. Икки куш гўмбаз тоқида доира ясаб, анча айланди, сўнг охира пастлади. Вақтичог, хушчақнақ кушлар яна дарё бўйлаб она-Ватанлари сари ошдик.

Уларнинг қуни шу тахлит ўтаверди. Аммо бу хаёт меҳрга, муҳаббатга лиммо-лим бўлди.

Муҳаммадмурод БУРҲОНОВ.

Гўлабирдан келган, соч-соқоли оппоқ чол дераза ортига, ҳовлидаги шодон набираликка узоқ тикилди. Қўлини қаншага тиради, жилмайди ва беихтиёр ўзининг болалигини эсга олди: ошналари билан тилла ошиқ уйнаганлари, Тентақул бўйида чўк тушиб балиқларнинг осмонга салпишишу кушларнинг унга ўқдай учинини мириқиб томоша қилганлари, сўнг сабоқ-дошлари билан тиркашиб мактабга қатнагани хаёлида худди кечагидай жилва қилди.

Бобо билан набира

Хўрсиниқ аралаш энтиқди. “Қаранг-а, умр дегани шамолдай ўтиб кетибди-я, — дея хаёлга чўмди у. — Ортимга қарасам, жуда кўп йўлларни босиб ўтибман, гўё хаётим поёнига етгандай кўринади. Тавба, салкам асрга тенг умр бир тутам хотирага ўхшайди. Хотираки, яна юз йил эсласанг ҳам ниҳоясига етмайди. Сўнг қаршимга боқаман, вожажани, бош-адоғи йўқ бепоян ва нурафшон йўлар ястаниб ётганини кўраман. Шунда вужу-

димга бир икром инади: мен боқий яшайман!” У ҳар гал набираларининг порлоқ чехрасига боққанида кўнгли ана шу туйғудан хаприқиб кетади. Қалби тоғдай юксалиб, ниҳон ётган орзулари яна бош кўтарга бошлайди.

Бобо элнинг одами. Қуллоп-тепаллиқлар унга ўрганиб қолган: бир иш бошламоқчи бўлса, дарров Дўстмамат бо-

бининг қошига келади. У энгина шимариб боради-да, ишни бошлаб беради. Унда хо-сият, саодат бор. Шунинг учун ҳам кўпчилик унинг этагидан тутатади. Бир оғиз ширин сўзига махлиё бўлади.

Хуллас, одамлар унга ўхшагиси келади, унингдек гапхўр, бошқаларга ўрناк бўлиб яшашни истаиди. Аммо бобонинг-да ташвиш-ўйлари, қал-

Хаёт абадий

бани тилғалаб турадиган армонлари бор. Бир гал тўхматга учраган мазлуманинг ёнини олмагани унга жуда алам қилади. Бечора аёл ундан ҳақ

гидаги супада ётиб олиб китоб ўқийди. Шуниси кўпроқ бобосига тортиган. Қулиб туради, ширинсўз, кейин ҳаммага меҳрибонлик қилади. Кўнгил ақинда, у Дўстмамат чол билан худди тенгқурдай гаплашади. Бу галги суҳбат ҳам соатлаб чўзилди. Бобо кечмишидан эринмай гапирди, кўзига филтиллаб ёш ҳам олди, сўнг маъюслибни қулди, набира эса жим тинглади. У гўё жонли китоб ўқигандай хузур қилди. Бу шундай китобки, ҳар сўзи вақтдан ҳам ўзади...

Муродхон АБДУРАҲИМОВ.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирадлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 90 424 нусхада босилган, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — З. Худойшукуров. Мусоҳах — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.00 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5